UZINVEST.UZ

ЮКОРИ ДАРОМАДЛИ ЛОЙИХЛАРГА ХИМОЯЛАНГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

КЕРАКЛИ БЎЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ МИҚДОРИ:
$400 000

ЙИЛЛИК СОФ ФОЙДА:
$463 000

ИНВЕСТИЦИЯ САРМОЯСИНИНГ РЕНТАБЕЛЛИГИ:
81%

МУАЛЛИФ САРМОЯСИ:
$400 000

Лойиҳа бўйича қўшимча маълумот олиш учун:
+99898 338 93 33
+99890 925 96 81

info@uzinvest.uz



ЛОЙИХА № 2156
БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМЧАЛАР (БФҚ) ДИСТРИБЮТСИЯСИ (ФАОЛИЯТНИ КЕНГАЙТИРИШ)

Лойиханинг махсади: Муаллиф юқори сифатли биологик фаол қўшимчаларнинг (БФҚ) расмий дистрибуциясига ихтисослашган, фаолият юритаётган компания лойиҳасини тақдим этмоқда. Марказий офис ва омбор мажмуаси Фарғона шаҳрида жойлашган.

Маҳсулотларни сотиш дорихоналар ва клиникалар билан бевосита ҳамкорлик қилувчи шаклланган тиббий вакиллар тармоғи орқали амалга оширилади. Бу эса самарали тарғибот ва барқарор сотув каналларини таъминлайди.

Ҳозирги босқичда компания Ўзбекистоннинг бир қатор ҳудудларида, жумладан, Фарғона, Қўқон, Қарши ва Нукус шаҳарларида операцион фаолият олиб бормоқда. Лойиҳанинг стратегик мақсади — мамлакатнинг энг йирик ва истиқболли бозорларида, жумладан, Тошкент, Самарқанд, Наманган ва Андижонда ўз иштирокини янада кенгайтиришдир.

Лойиҳанинг жорий ҳолати
Лойиҳа барқарор ривожланиш босқичида бўлиб, асосий молиявий кўрсаткичларнинг мунтазам ўсишини намойиш этмоқда. Сўнгги уч йил давомида компания тушумининг ишончли ўсиши кузатилмоқда, йиллик фойда эса ўртача 25–30% га ортиб бормоқда.

Рақобатчилардан фарқи
Кўпчилик рақобатчилар воситачилар орқали ишлайди ва илмий асосланмаган оммавий маҳсулотларни таклиф қилади. Ушбу лойиҳа эса тўғридан-тўғри дистрибуция моделини қўллайди ва сифати тасдиқланган, юқори даражали маҳсулотларни тақдим этади.

Муаллиф дори воситаларини сотиб олиш, жиҳозлар ва омборлар, операцион харажатлар ва бошқалар учун жами $400 000 сармоя киритган.

Лойиха учун керакли инвестиция миқдори: $400 000, шундан:

Номланиши	Сумма, $
БФҚларнинг янги партияларини харид қилиш	200 000
Тиббиёт вакилларини ишга қабул қилиш ва ўқитиш	100 000
Маркетинг ва логистика	70 000
Бошка харажатлар	30 000
Жами	**400 000**

Йиллик даромадлар хакида маълумот

Номланиши	Бир ойда уртача даромад, $	Ойлар сони	Сумма, $
Махсулотларни сотиш	90 431	12	1 085 000
Жами			**1 085 000**

Йиллик харажатлар хакида маълумот

Номланиши	Сумма, $
Операцион харажатлар (иш ҳақи, солиқлар, ижара тўлови, маркетинг ва ҳоказо)	**622 000**
Жами	**622 000**

- Йиллик даромад: $1 085 000
- Йиллик харажатлар: $622 000
- **Йиллик соф фойда**: $1 085 000 – $622 000 = **$463 000**

$$\textbf{ROI} = \frac{\text{Сой фойда}}{\text{Инвестиция}} \times \text{Инвестор улуши} \times 100\% = \textbf{81\%}$$

Фойданинг тақсимланиши

Киритган сармоя тўлиқ қоплангунигача: Инвестор – **70%** ва лойиҳа Муаллифи – **30%**

Киритган сармоя тўлиқ қоплангач: Инвестор – **40%** ва лойиҳа Муаллифи – **60%**